

Менга ким ёрдам беради?



11:40 / 08.02.2021 2163

Абу Омир айтади: «Бир дўстимиз айтиб берди: «Муҳаммад ибн Восий оғирлашиб қолганида кўп инсонлар унинг олдига зиёратга келишди. Мен ҳам уни кўргани кирдим. Кимдир ўтирар, кимдир тик турар эди. У менга қаради-да, «Эртага пешона сочим ва оёғимдан тутилсам, жаҳаннамга ташлансам, булар менга бирон ёрдам бера оладими?» деб, қуйидаги оятни тиловат қилди: **«Жинояткорлар сиймоларидан билиниб турурлар ва уларнинг пешона сочлари ва оёқларидан тутилуру»**. (Роҳмансураси, 41-оят).

Дунёнинг хорлиги охират хорлигидан яхши

Ҳишом айтади: «Молик ибн Мунзир Муҳаммад ибн Восийни чақириб, «Қозилик қилинг», деди. Муҳаммад рад қилди. У яна такрорлади, бу яна рад этди. Шунда Молик «Кўнмасанг, уч юз дарра урдираман», деган эди, Муҳаммад: «Ихтиёр ўзингда, сен амирсан. Аммо охиратдаги хорликдан дунёдаги хорлик яхши», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан